

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №7

2022 й. «30» 11

282-13-194-ОВ/2022-сон

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи О.Саидалимов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “ООО Елегант Нукус Строй” номидан Низоми асосида иш кўрувчи С.Кыдырмязов иккинчи томондан Элликқалъа тумани Навбахор МФЙ ички йўлининг 650м қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1.Мазкур шарномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми ,сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони-** мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар-** пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш-** ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II- ШАРТОМА МАВЗУСИ

2.Пудратчи мазкур шарнома шартларига томондан Элликқалъа тумани Навбахор МФЙ ички йўлининг 650м қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш , уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III- ШАРНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори 2022 йил «16» ноябрдаги 193633 -сонли лот байённомаси билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 491 931 034 (тўрт юз тўқсон бир миллион тўққиз юз ўттиз бир минг ўттиз тўрт) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас , қуйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофиза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш ;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш ;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш ;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш ;



Пудратчининг барча мувожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

### 10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдоридан аванс ўтказиши, бу **147 579 310,2 (бир юз қирк етти миллион беш юз етмиш тўққиз минг уч юз ун сўм 20 тийин)** сўмини ташкил этади, қолган 70% , яъни **344 351 723,8 (уч юз қирк тўрт миллион уч юз эллик бир минг етти юз йигирма уч сўм 80 тийин)** сўм маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

## VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ

### (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

18. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар

томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек, қурилиши тугалланган объектларни фойдаданишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_3\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **X. КАФОЛАТЛАР**

23. Пудратчи : барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини ;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари , қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини ;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларини кўрсатилган сертификацияларга , давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объекдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

## **XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

27. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.



28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буйрутмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## ХII. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ДОИР МАЖБУРИЯРТЛАР

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар: коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини амалга оширмаслик;

Шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан тўғри ёки билвосита пора олишига, яъни моддий бойликлар ёки мулкый имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида ходим ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт.

Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар

## ХIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## ХIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

30. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

31. Ушбу шартнома туман "Ғазначилик" бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабргача ўз кучида қолади.

32. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

33. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

34. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (2 нусхада) тузилди.

## ХV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЙРУТМАЧИ»

Элликкальа тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Манзили: Бўстон шаҳри, Турткул шох кўчаси 1- уй

Тел.факс: 55-102-14-58

Ш/хв: 401722860352507065200110006

СТИР: 204648577 ОКОНХ: 90290

Молия Вазирлиги ягона Ғазначилик бўлинмаси

х/р: 23402000300100001010

СТИР: 201122919 МФО: 00014

Банк номи: Марказий банк Бош Бошқармаси

Тошкент шаҳри

Рахбар в.б.  О.Саидалимов

«ПУДРАТЧИ»

“ООО Елегант Нукус Строй”

“Манзили: Нукус шаҳри

Тел факс 94-456-65-66

х/р: 2020 8000 1007 3469 8001

Банк номи: Ипотека банк Нукус филиали

ИНН: 304 697 926 МФО: 00621

Рахбар 

И.Жиемуратов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

QP7631550267

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Ellikqal’a tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 30.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Ellikqal’a tumani  
yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**J.U.BEGMETOV**

30.11.2022





«Тасдиқлайман»

Элликқалъа тумани Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиги ввб

О.Саидалимов

«30» Ноябрь 2022 йил

Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил «ОЧИҚ БЮДЖЕТ» дастури учун ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бўйича тузилган «Энг яхши таклифларни танлаш» комиссиясининг йиғилиш

### БАЁННОМАСИ № 9

Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил « ОЧИҚ БЮДЖЕТ » дастури учун ажратилган маблағга Элликқалъа тумани Навбахор МФЙ ички йулини жорий таъмирлаш ишлари учун.

Комиссия раиси	О.Саидалимов	Бош муҳандис
Комиссия аъзоси	Д.Раджапов	Бош мутахассис
Комиссия аъзоси	А.Хаджиев	бош ҳисобчиси
Комиссия аъзоси	Б.Бабажанов	муҳандис
Комиссия аъзоси	Р.ДЖумабаев	Кадрлар бўйича бош мутахассис

### Тингланди

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида белгиланган маблағдан Элликқалъа тумани Навбахор МФЙ ички йулини жорий таъмирлаш ишларини таъмирлаб берувчи ташкилотлардан келиб тушган баҳолар, шу таъмирлаш баҳоларини аниқлаш мақсадида куйдаги “ООО Елегант Нукус Строй”, ООО XIVA STANDART PLYUS, ва XIVA ISKANDAR МЧЖ лар тақдим қилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди.

Ушбу таклифлар бўйича комиссия Элликқалъа тумани Навбахор МФЙ ички йулини жорий таъмирлаш ишларини №193633-сонли лотга 2022 йил 26-ноябр кунги баённома билан “ООО Елегант Нукус Строй” энг яхши таклифни танлаш ёлиби булиб бу юзасидан 2 (икки) иш куни муҳокамада турди ва ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмади.

Унга кўра куйдаги Товар (иш хизмат)ва махсулотлар етказиб берувчилардан куйдагича таклифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Миқдори	“ООО Елегант Нукус Строй”	XIVA ISKANDAR МЧЖ	ООО XIVA STANDART PLYUS
<b>Ташкилот манзили:</b>				Нукус ш	Хива ш	Хива ш
<b>Ташкилот СТИРИ</b>				<b>304697926</b>	<b>301401006</b>	<b>302512018</b>
1	Элликқалъа тумани Навбахор МФЙ ички йулини жорий таъмирлаш	Лот № 193633 491931034 сум	1	491 931 034	491 000 000	Баҳолаш босқичига ўтмади (дисквалификация)
2	Умумий бал			100	90,9	дисквалификация
<b>ЖАМИ:</b>				<b>491 931 034</b>	<b>491 000 000</b>	
Алоҳида шартлар				Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.		

Комиссия раиси О.Саидалимов сўзга чиқиб, бу ташкилотлар ичида “ООО Елегант Нукус Строй” Навбахор МФЙ ички йулини жорий таъмирлаш ишларини, қисқа муддатларда сифатли ва мустақамлигига кафолатини беришини айтиб ўтди ва 2 (икки) иш куни муҳокамаси ақунланиб ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмагани сабабли

## Карор килади :

1. “ ООО Елегант Нукус Строй ” Эллиққалъа тумани Навбахор МФЙ ички йулини йулини жорий таъмирлаш ишларини арзон сифатли ва мустахкамлигига кафолатини беришни инобатга олиниб, шу корхона билан шартнома тузилсин.

2. Ушбу Эллиққалъа тумани Навбахор МФЙ ички йулини жорий таъмирлаш ишлари сифатини назорат қилиш ва ушбу қарорнинг бажарилиши ҳамда қурилиш ишларини қабул қилиб олиш бошқарма бошлиги ввб О.Саидалимовга юклатилсин.

3. Ушбу қарорга асосан икки томонлама шартнома тузиш бош хисобчиси А.Хаджиевга ва белгиланган маблағни пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида амалга ошири юклатилсин.

Комисся раиси :




О.Саидалимов


Комисся аъзолари :



Д.Раджапов



А.Хаджиев



Ш.Атаниязов



Р.Джумабаев